



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жалақудук туман ҳокими

Х. Латипов

ҚУРИЛИШ МОЛЛАРИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Жалақудук туман - 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

I. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАН

1.1. Танлов предмети: Жалақудук тумани ҳокимлиги биносини таъмирлаш ишларига қурилиш моллар сотиб олиш.

1.2. Танловнинг юқори қиймати— 15 100 000 (ўн беш миллион бир юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсуслот бўйича Техник тошширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи таққишот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Жалақудук туман Жалақудук туман ҳокимлиги (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) — танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили. Жалақудук туман Ўзбекистон кўчаси 62-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Жалақудук туман Жалақудук туман ҳокимлиги “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунида белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

танлов предмети ишлар, товарлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" 684-Қонун 13-моддатига риоя этилиши шарт

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар товарлар, (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадрал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

фақат битта таклиф бериши мумкин; такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Қолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига Ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишгаа ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) Ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот Ўзгартирилган бўлса, танлов Утказиш тўғрисидаги эълонга Ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳами. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини Ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни татим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Жалақудук туман хокими


Х.Латипов

Жалақудук тумани хокимлигининг хоналарининг эсорий таъмирлаш учун

НУКСОНЛАР ДАЛОЛАТНОМАСИ

Биз куйидаги имзо чекувчилар, комиссия аъзолари : Жалақудук туман хокимининг 1-ўринбосари Ж.Абдумуталибов, бош хисобчи А.Тоштемиров, Ташкилий назорат гурухи рахбари О.Усманов, девонхона мудири Р.Абдурахимов, давлат тилида иш юритиш бўйича хоким маслахатчиси А.Ғуломов мазкур кайдномани туздик шу мазмундаким, визуал текшириш натижасида куйидаги иш турлари ва хажмлари аникланди:

№	Иш турлари	Улчов бирлиги	Иш хажми
1	Охак	400 кг	Хокимлик биноси
2	Цемент	7000 кг	Хокимлик биноси
3	Шифер	100-дона	Хокимлик биноси
4	Краска	100-банка	Хокимлик биноси
5	Водоэмульсия	70 пакир	Хокимлик биноси
6	Акфа лампочка	70 дона	Хокимлик биноси
7	Алебастр	50 коп	Хокимлик биноси

Жалақудук туман хокимининг
1-ўринбосари:



Ж.Абдумуталибов

Жалақудук туман хокимлигининг
ташкилий назорат гурухи рахбари:



О.Усманов

Жалақудук туман хокимлигининг
девоhxона мудири:




Р.Абдурахимов

Жалақудук туман хокимлигининг
бош хисобчиси:



А.Тоштемиров

Жалақудук туман хокимининг давлат
тилида иш юритиш бўйича маслахатчиси:



А.Ғуломов